



## БУЮК МУҲАДДИС – ИМОМ НАВАВИЙ

**Абдурахимов Юсуф Анасович**

*Тошкент ислом институти  
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”  
кафедраси ўқитувчиси*

Имом, ҳофиз, фақиҳ, муҳаддис Яҳё ибн Шарофиддин ибн Муррий ибн Ҳасан ал-Ҳизомий ал-Хувроний ан-Нававий аш-Шофеъий Ислом оламининг мўътабар олимларидан саналади.

### **Муҳаддиснинг тўлиқ исмлари**

Яҳё ибн Шароф ибн Муррий ибн Ҳасан ибн Хусайн ибн Муҳаммад ибн Жамъа ибн Ҳизомий<sup>40</sup> Абу Закариё Нававий Дамашқийдир<sup>41</sup>. Имом Нававийнинг нисбатлари саҳоба Ҳизом Абу Ҳаким розияллоху анхуга боради деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Бу гапни Имом Нававийнинг ўзи тўғирлаб “бу ғалат” яни хатодир деган<sup>42</sup>.

### **Имомнинг кунялари**

Абу Закариё. Маълумки, буюк муҳаддис оила кўрмаганлар, фарзанд кўрмаганлар. Унда нега Абу Закариё куняси билан аталганлар дейилса, арабларда фарзанд кўрмаган исми Яҳё бўлган кишиларни Абу Закарийё дея мажозан шундай чақириш одати бор экан. Худди шунга ўхшаб кимни исми Юсуф бўлса Абу Ёқуб деб, кимни исми Иброҳим бўлса Абу Исъҳоқ деб, кимни исми Умар бўлса Абу Ҳафс деб кунялашар эди. Булар ғойри қиёсий кунядир. Чунки Яҳё ва Юсуф ота эмас балки фарзанд бўлишган. Яҳё алайҳиссалом пайғамбар бўлиб, ўзлари ҳам пайғамбар фарзанди бўлганлар. Имом Нававийни ҳам «Абу Закариё - Закариёнинг отаси» деб чақиришлари фахрий маънода, мажозан экан. Худди Имом Нававий айтганларидек бу ишни аҳли илмлар мустаҳаб санашди. Имом нававий ўзларининг “Ал-мажмуъ” китобларида айтадилар: “Аҳли фазлдан бўлган кишиларни у хоҳ аёл бўлсин хоҳ эркак бўлсин фарзанди бўлса ҳам бўлмаса ҳам уларни куня билан аташлик мустаҳабдир. Бунда у ўз фарзанди билан куняланадими ёки бошқаси биланми фарқи йўқ. Бундай куняда қиз боланинг номи зикр қилинса ҳам ўғил боланинг номи зикр қилинса ҳам бўлаверади. Масалан Абу Фотима, Абу Зайд”.

### **Имомнинг лақаблари**

Муҳиддин. Аммо Аллоҳга тавозуъ қилиб, Муҳиддин деб лақабланишни қариқ кўрганлар. Чунки дин доимий ҳаёт ва собит бўлган нарсадир, тирилтирувчи кишига муҳтож эмасдир, деб айтардилар. «Муҳиддин» - динни тирилтирувчи деган маънони англатади. Моликий мазҳаби фақиҳларидан

<sup>40</sup> Ҳофиз Саховий. Ал-манҳалул аъзбир-ровий фий таржимати қутбил-авлия ан-Нававий. Ливан: ДКИ нашриёти, 2005. –Б.11.

<sup>41</sup> Имом Нававий. Риёзуз солиҳийн. Дамашқ: Мактабатул манор нашриёти, 1989. –Б.9.

<sup>42</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.20.



Муҳаммад ибн Ҳасан Лахмий у зот ҳақида: «Мени Муҳиддин деб атайдиганларни дўст тутмайман, деб айтдилар», дейдилар<sup>43</sup>. Имом бу гапни тавозе, камтарлик қилиб айтганлар. Лекин ростдан ҳам Аллоҳ таоло бу киши билан динни тирилтирган эди. Аллоҳ таоло имомни шу ном билан машҳур бўлишларини хоҳлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: **“Аллоҳ Ўзи учун тавозе, камтарлик қилган кишини юксалтирмай қўймайди”**<sup>44</sup>.

### **Имомнинг нисбатлари**

Нисбатлари нававий эди. Чунку у киши Дамашқ<sup>45</sup> (Дамашқ ҳозирги кунда Сурия<sup>46</sup>нинг пойтахтидир) даги Наво<sup>47</sup> қишлоғида туғилиб, йигирма саккиз йилга яқин истиқомат қилганлар.

Олимнинг насаби ҳақида уламолар турли хил фикрларни айтишган. Тарихчи олимларнинг айтишича Нававийнинг боболари ҳақида бирор бир маълумот йўқ. Бундан келиб чиқадики уларнинг ҳаётлари оддий бўлган. Агар уларнинг илмлари, ё обрўлари бўлганда тарихчилар буларни эсларидан чиқармаган бўларди. Аммо у зотнинг оталари Шароф ибн Муррий бўлиб Наво шаҳрида дўкончи бўлганлар<sup>48</sup>. Шароф ибн Муррийни васфлаб Нававийнинг шогирди Аловуддин ибн Аттор “Шароф ибн Муррий тақводор, пархезли, Аллоҳнинг валийси бўлган бир нуроний эди” дейди. Имом Заҳабий<sup>49</sup> эса “У хайрли нурли киши эди” дейди. Шароф ибн Муррий 685 йилда вафот этди<sup>50</sup>.

Имом Нававий ҳижратнинг 631 йили милодий 1233 йили Муҳаррам ойида ҳозирги Суриянинг жанубида жойлашган Дамашқ<sup>51</sup>даги Наво<sup>52</sup> шаҳрида дунёга келдилар<sup>53</sup>. Тарихчилар шунга иттифоқ қилишган.

Аксар тарихчилар туғилган саналарини 631-йил муҳаррамнинг ўрта ўн кунлигида деб айтишган<sup>54</sup>.

Лекин Жамол Аснавий эса муҳаррамнинг биринчи ўн кунлигида туғилган дейдилар.

### **Имомнинг Қуръонни ёдлаши**

<sup>43</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.20-21.

<sup>44</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олтин силсила. Саҳиҳи Муслим. 6.Ж. –Тошкент: Хилол-Нашр, 2020. –Б.46.

<sup>45</sup> Дамашқ (ҳозирги кунда) - Суриянинг пойтахти ва иккинчи йирик шаҳри. У Суриянинг жануби-ғарбий қисмида, Шарқий Ливан тоғ тизмасининг шарқий этакларида жойлашган.

<sup>46</sup> Сурия, тўлиқ номи - Сурия Араб Республикаси - Яқин шарқдаги давлат, жануби-ғарбда Ливан ва Исроил, жанубда Иордания, шарқда Ироқ ва шимолда Туркия. Ғарбда Ўрта ер денгизи томонидан ўралган. 3-иловага қаранг.

<sup>47</sup> Наво (ҳозирги кунда) - Суриядаги шаҳар. Дамашқдан 85 км жанубда, Дара губернаторлигида жойлашган. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланади. Сабзавотлар ва донли экинлар етиштирилади. Бундан ташқари, шаҳар атрофида зайтун ва узум ўсади. Касалхона, маданий марказ ва спорт клублари мавжуд.

<sup>48</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.21.

<sup>49</sup> Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Туркманий аз-Заҳабий ўз асрининг муҳаддиси ва тарихчиси. Жарҳ ва таъдил илмининг устози. Ҳижрий 748-йилда вафот этган.

<sup>50</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.21.

<sup>51</sup> 4-иловага қаранг.

<sup>52</sup> 5-иловага қаранг.

<sup>53</sup> Имом Нававий. Ал-Азкор. –Дамашқ: Дорул қалам нашриёти, 1993. –Б.16.

<sup>54</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.22.



Имомнинг оталаридан ривоят қилинади: Ўғлим етти ёшга тўлган пайти эди. Бир кеча мени ёнимда ухлаб ётарди. Шу кеча Рамазоннинг йигирма еттинчи кечаси эди. Кечанинг ярмида бирдан уйғонди, мени ҳам уйғотди ва “Отажон мана бу ҳовлини тўлдирган нур нима?” деди. Биз оила азолар ҳаммамиз туриб қарадик лекин ҳеч нарса кўрмадик. Шунда мен билдимки бу қадр кечаси экан<sup>55</sup>.

Шундан кейин оталари ўғли келажакда катта мартаба соҳиби бўлишини сезди ва болаларга Қуръон ўргатувчи муаллимнинг олдига олиб борди. Имом Қуръон ёдлашни бошладилар ва кундан кунга Қуръонга муҳаббатлари ошиб бораверди. Ҳатто шу даражага етдики Қуръонни ёдлаш ва ўқишдан бир лаҳза ҳам чалғиб қолишни хоҳламас эдилар. Ёшликнинг шўхлигию болаликнинг ўйинқароқлиги у кишини Қуръондан чалғита олмас эди. Баъзи кунлар болалар у кишини ўйнашга мажбур қилишганида йиғлаб қочишга ҳаракат қилар эдилар.

Шайх Ёсин ибн Юсуф Марокаший айтадилар: Мен шайх Муҳйиддинни Навода кўрган эдим. У ўша пайтда ўн ёшлар атрофида эди. Болалар уни ўзлари билан ўйнашга мажбур қилишар эди. Уни мажбур қилишгани учун йиғлаб шу ҳолатда ҳам Қуръон ўқир эди. Шунда мен уни яхши кўриб қолдим. Унга Қуръон ўргатадиган одамнинг олдига бориб: “Бу бола ўз замонасининг олимроғи ва зоҳидроғи бўлиши мумкин, одамлар бундан манфаат топишади” дедим. У менга: “Мунажжимисан” деди. Мен: “Йўқ, лекин Аллоҳ мени шунақа гапиртирди” дедим. Бу гап отасига етганда унга алоҳида этибор беришди ва балоғатга етмай туриб Қуръонни тугатдилар<sup>56</sup>.

### **Имомнинг илмга қадам қўйишлари**

Нававийнинг 10 ёшидан то 18 ёшида Дамашққа келгунига қадар бўлган ораликдаги илмий фаолияти ва устозлари борасида батафсил маълумотлар мавжуд эмас, лекин баъзи маълумотларга қараганда у бу муддат ичида дўконда отасига ёрдамлашган ва ўз шахридаги олимлардан дарс олиб турган.<sup>57</sup> Унинг таржимаи ҳолини ёзган шогирдларининг таъкидлашича, олим 18 ёшга тўлганида, яъни 1251 йилда илмини давом эттириш мақсадида, ўша даврда олимлар ва илм маркази ҳисобланган Дамашққа кўчиб келади. Отаси ҳам у билан бирга мазкур шаҳарга кўчиб ўтади<sup>58</sup>. Дамашққа келиши билан у ердаги энг катта масжид ҳисобланган “Умавий”<sup>59</sup> масжидига боради ва биринчи бўлиб мазкур масжиднинг имоми, етук олим Шайх Жамолиддин Абдулкофий Дамашқий<sup>60</sup> билан учрашади. Шайх Яҳёнинг илмга қизиқишини кўргач, уни Шом

<sup>55</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.22-23.

<sup>56</sup> Ибн Аттор. Тухфату толибийн фий таржимати имом нававий. –Уммон: Дорул асария, 2007. –Б.2.

<sup>57</sup> Ибн Аттор. Тухфатут-толибийн фий таржимати имам нававий.–Уммон: Дорул асария, 2007. –Б.45.

<sup>58</sup> Муаллифлар жамоаси. Нузхатул муттакийн шарху Риёзус солихийн.Ж.1. –Байрут: Муассисатур рисала нашриёти, 1977. –Б.9.

<sup>59</sup> 6-иловага қаранг.

<sup>60</sup> Жамолиддин Дамашкий ҳазратлари факих, фозил инсон бўлганлар. Қозийтда бир муддат ноиблик ҳам қилганлар, сўнг бу мансабни тарк этиб, “Умавий Жоме”сида имом-хатибликнинг ўзи билан чекланганлар. Ҳижрий 689-йили вафот этганлар.



муфтийси Тожиддин Абдурроҳман ибн Иброҳим ибн Зиё Фаззорий (Фарқах<sup>61</sup> номи билан машҳур бўлганлар) нинг олдига олиб боради ҳамда Имом Нававий ундан бир муддат дарс олади. Бу Нававийнинг Дамашқдаги биринчи устози эди<sup>62</sup>.

### **Имомнинг мадрасада туришлари**

Имом Нававий устози Тожиддин Фарқах ҳузурида дарс ўқиб юрган кезларида тунайдиган жойи бўлмаган. Зеро, Дамашқдаги кўплаб мадрасаларда толиби илмлар ҳам бошпанасиз эди. Имом Нававий устози Тожиддиндан турадиган бир бошпана сўради, лекин устозининг қўлида Соромийя<sup>63</sup>дан бошқа мадрасалардан бирор хона ҳам, уйлар ҳам йўқ эди. Шунда шайх Фарқах Имом Нававийга Роваҳийя мадрасасидаги Камол Исъҳоқ Мағрибий<sup>64</sup>ни таклиф қилди. Шайх Имом Нававийга шу мадрасада ҳолати яхши, латиф бир уйни берди<sup>65</sup>.

Имом Нававийнинг ўзидан ривоят қилинишича, у “Ўн тўққиз ёшга кирганида Дамашқдаги “Равоҳия”<sup>66</sup> мадрасасига жойлашган ва у ерда икки йил жиддий таълим олган ҳамда бу муддат ичида бир қанча китобларни ёд олган. Икки йилга яқин ёнбошимни ерга қўймадим. У ердаги таомим мадраса берадиган озуқа эди холос. Тўрт ярим ойда “ат-Танбеҳ” ни ёдладим, йилнинг қолганида “ал-Муҳаззаб” нинг тўртдан бирини ёдладим. Унинг дарсларга жиддий киришиши ва инсонларга кам аралашини кўрган устози Шайх Исҳоқ ибн Аҳмад Мағрибий уни ёқтириб, ўзига ёрдамчи этиб тайинлайди<sup>67</sup>.

### **Имомнинг қаттиқ касал бўлиши**

Имом Нававийнинг ўзидан ривоят қилинишича, “Роваҳийя мадрасасидалигимда қаттиқ касал бўлдим. Кечаларнинг бирида шарқий супада ётган эдим. Атрофимда отам ва яқинларим ҳам ухлаб ётишарди. Кечқурун уйғониб қолиб, озгина тетиклашдим ва оғриқ озгина енгиллашди. Шу пайт зикр қилишни хоҳлаб тасбеҳ айта бошладим. Ўртача овоз билан тасбеҳ айтиб турсам бирдан чиройли суратли шайх кўриниб қолди ва ҳовуз бўйида таҳорат қилди. Таҳорат қилиб бўлиб, мени олдимга келди ва деди: “Эй болам, Аллоҳни зикр қилма, отангни, яқинларингни ва бу мадрасадагиларни безовта қилма. Мен сўрадим: “Эй шайх, сиз кимсиз?” Саволимга жавобан: “Мен сенга насиҳатгўйман”, деб айтди. Мени қўйгин, мен ким бўлсам ўшаман. Шунда унинг иблис

<sup>61</sup> Фарқах – Шом аҳлининг фақиҳи. Тожиддин Субкий айтганидек Из ибн Абдусалом мазҳабига кўра фақиҳ бўлганлар. Ҳижрий 690-йилда вафот этган. Бану Фарқах – Шомдаги қабилани номи.

<sup>62</sup> Абдулғаний Дақар. “Имом Нававий”. “Дарул қалам” нашриёти. Дамашқ – 1994. Б.26-27..

<sup>63</sup> У Жобия эшигидан киришда Амуд саййидларининг қишлоғидаги қалъанинг рўпарасида жойлашган. Бини Сорумиддин Жавҳар курдирган. Узоқ замонлардан бери бу ерда дарслар бўлган ва уйларга айланиб кетган. Амуд саййидлар қишлоғини ҳижрий 1344-йилда Сурия инқилоби кунларида Франсузлар ёқиб юборган. Ҳозирги кунимизгача у ерлар Ҳариқа (ёнгин; ёниб кул бўлган) деб номланиб келмоқда.

<sup>64</sup> У Исъҳоқ ибн Аҳмад Мағрибийдир. Роваҳийя мадрасасидаги улуғ муҳаддис Ибн Салоҳнинг ёрдамчиси ва шоғирди. Ўзининг илми ва салоҳияти билан машҳур бўлган уламолардандир. У кишида кўпчилик фикх илмини ўрганган. Ҳижрий 650-йили вафот этган.

<sup>65</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.27-28.

<sup>66</sup> Роваҳийя – мадрасанинг номи. У “Умавий Жомеъ” масжидининг Шарқий эшигига яқин бўлган “Ибни Урва” масжидининг шарқида жойлашган. Бадрон айтади: “Мен бу мадрасанинг ерини кўриб гувоҳ бўлганман, хозир уйларга айланиб кетган.

<sup>67</sup> Ибн Аттор. Тухфатут толибийн фий таржимати имом нававий. Уммон: Дарул асарийя нашриёти, 2007. –Б.47.



эканлигини билиб қолдим. “Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим”, дедим. Овозимни баланд кўтариб тасбеҳ айтдим. У мендан юз ўгириб, мадраса эшигига қараб юриб кетди. Отам ва атрофимдагилар уйғониб кетишди. Мен эшик томон бордим, эшик қулф экан. Лекин уни у ердан топа олмадим. Отам “Нима бўлди?” деб сўрадилар. Мен воқеани батафсил айтиб бердим. Улар ажабланишди ва барчамиз тасбеҳ айта бошладик<sup>68</sup>.

### **Имомнинг илм йўлидаги жидду-жаҳдлари**

Имом Нававий кучли жидду жаҳд билан таълим олар, кунига ўн икки дарсда иштирок этарди. Ал-Муҳаззабдан бир дарс, Саҳиҳи муслимдан бир дарс, Наҳудан бир дарс, Ислаҳул Мантиқдан бир дарс, Тасрифдан бир дарс, Асмоур Рижолдан бир дарс, Усулуд Диндан бир дарс ва ҳоказо. Бундан қониқиш ҳосил қилмай ўн учинчи дарсга ҳам қўшилади, лекин тоқати кўтаролмай касалга чалинади. Соғайгач, яна ўн икки дарсга қатнашишни давом эттиради<sup>69</sup>.

Бадр ибн Жамоа<sup>70</sup> Имом Нававийнинг уйқиси ҳақида қуйидагича ҳикоя қилган: “Агар уйқим келиб қолса, бир лаҳза китобларга суяниб қоламан ва уйқим қочади. “Мифтаҳ саодат” китобида айтилади: “У киши илм ва амалга берилиб, кўп бедор бўлардилар”<sup>71</sup>.

Қандай қилиб бундай бўлмасин? Ислом назарида иймондан сўнг илмдан кўра шаъни улуғроқ ва муқаддасроқ нарса йўқдир. Илм сўзи Қуръонда кўп маъноларда 90 мартадан зиёд зикр қилинган. Уларнинг барчаси ҳар қайси ишда яқин (ишонч) маъносида келади. Улардан баъзилари қуйидагилардир:

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَخْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَخْلَمُونَ<sup>72</sup>

**“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”<sup>73</sup>.**

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ<sup>74</sup>

**“Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”<sup>75</sup>.**

Саҳиҳ ҳадислар, саҳоба ва тобеъинларнинг сўзлари ҳам бундай мисоллар билан тўлади. Шулардан бири Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини бир қисмида келган сўзларидир “Албатта, фаришталар илм талабидаги кишидан рози бўлиб, қанотларини ёзиб туради”<sup>76</sup>.

Имом Нававийнинг “ал-Муҳаззаб” китобининг шарҳи муқаддимасида илмнинг фазилати борасида кўплаб ҳамда буюк саҳобаларнинг кўплаб сўзлари келтирилган. Шулардан бири Али розияллоҳу анҳунинг сўзларидир: “Олимнинг ажри Аллоҳ йўлида ғазот қилган, тунларини қоим ўтказган, кундузлари рўзадор

<sup>68</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.100.

<sup>69</sup> <https://azon.uz/index.php?/content/views/utgan-ulamolar-hayotida-ilmning-urni-uch>

<sup>70</sup> У киши қозиларнинг қозиси Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъдуллоҳ ибн Жамоа Киноний Ҳанавийдир. Ҳижрий 733-йилда Мисрда вафот этган.

<sup>71</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.30-31.

<sup>72</sup> Зумар сураси, 9-оят.

<sup>73</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири хилол. Ж.5.–Тошкент: Ҳилол-нашр, 2015. – Б.200.

<sup>74</sup> Мужодала сураси, 11-оят.

<sup>75</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири хилол. Ж.6.–Тошкент: Ҳилол-нашр, 2015. – Б.84.

<sup>76</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.31.



ўтказган кишидан улуғроқдир”. Абу Зарр ва Абу Ҳурайра розияллоху анхумолар айтишади: “Илмдан бир бобни ўрганишимиз бизга минг ракат нафл намоздан суюклироқдир, илмдан бир бобни ўргатмоғимиз (амал қилинган ёхуд қилинмаган бўлсин) бизга 100 ракат нафл намоздан яхшироқдир. Росулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан эшитганмиз, у зот айтадилар: “Агар илм талаб қиладиган кишига ўлим келса ва у мана шу ҳолатда ўлса шаҳиддир”. Имом Нававий “Шарҳи Муслим” асарида айтадилар: “Илм билан шуғулланиш қурбатнинг афзали, тоатларнинг улуғи, яхшиликларнинг аҳамиятлиси, ибодатларнинг таъкидироғи ҳамда вақт сарфланадиган нарсаларнинг энг аълосидир. Уни идрок қилишга ва у билан шуғулланишга закий нафс эгаларигина энг шимарадилар ва яхшиликка шошилувчилар илм олишга ошиқадилар. Карамли ишларда мусобақалашовчилар илм билан зийнатлашишга мусобақашадилар”.

Имом Ҳарамайн<sup>77</sup> айтадилар: “Фарзи кифоя фарзи аъйндан афзалдир. Шу жиҳатданки, фарзи кифояни қилувчи бутун умматни ўрнини эгаллаб, умматдан қийинчиликни соқит қилмоқда, фарзи аъйин эса бир киши билан чекланади”<sup>78</sup>.

#### **Имомнинг ҳаж қилишлари**

1253 йил сентябр ойида отаси билан бирга ҳаж зиёратини амалга ошириш учун йўлга чиқади ва Мадинада бир ярим ой истиқомат қилади. Зиёратдан қайтиб келгач яна илм билан машғул бўлади<sup>79</sup>.

Ибн Аттор ҳам айтади: “Имом Нававийнинг отаси менга айтди: “Каронда Наводан йўлга чиққанимизда уни иситма (безгак) тутди. Арофат кунигача касалликдан тузалмади, лекин у бирор маротаба оҳ чекмади. Ҳаж амалларини бажариб, Навога қайтаётганимизда у Дамашқда тушиб қолди. Аллоҳ таоло уни илм билан тўлдирди. Доимо илм билан машғул бўлиб, нафл ибодатлар, доимий рўза, зуҳд, тақво, вақтини бекорга сарфламасликда устози шайх Марокашийнинг вафот этгунича йўлини маҳкам тутди”. Баъзилар у кишини икки марта ҳаж қилган дейишади<sup>80</sup>.

#### **Имомнинг табобатга қизиқишлари**

“Бир кун тиб илми билан шуғулланиш фикри келиб қолди, Табобат олим Ибн Синонинг “Ал-Қонун фит тиб” китобини сотиб олдим ва уни ўрганишга юзландим. Шунда қалбимга зулмат пайдо бўлиб қолди. Бирон бир иш қилишга қодир бўлмай қолдим. Ўзимнинг бу ҳолатим ҳақида фикр юрита бошладим, менга бу ҳолат қаердан келиб қолди? Шунда бунинг сабаби тиб билан шуғулланганим эканини Аллоҳ илҳом қилди. Дарҳол бу китобни сотдим ва

<sup>77</sup> У Абдулмалик ибн Абдуллох ибн Юсуф Жувайнийдир. Имоми Ҳарамайн (икки Ҳарам имоми) лақабини олганлар. Имом Шофеъий асъҳобларининг мутааххирларидандир. Хижрий 478-йилда вафот этган.

<sup>78</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.31-33.

<sup>79</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.28.

<sup>80</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.29.



уйимдан тибга тегишли бўлган ҳар бир нарсани чиқардим. Натижада қалбим нурга тўлди ва ўз ҳолимга қайтдим”<sup>81</sup>.

### **Имомнинг дарс беришлари**

Аллоҳ таоло имомга Дамашқдаги “Дорул-ҳадис ал-Ашрафия” мадрасасида дарс беришни насиб қилди<sup>82</sup>. Имом Нававий ниҳоятда тақводор, парҳезли киши эдилар. Бирор соатларини Аллоҳ тоатидан бошқа ишга сарф қилмасдилар. Кечаларини ҳам китоб ёзиш билан ўтказардилар. Аллоҳ таоло у кишига беҳад зийрак қалб, кучли хотира ҳамда ўткир зеҳн ато этган эди.

### **Имомнинг сифатлари**

Имом Заҳабий айтадилар: Имом Нававийнинг ранглари буғдойранг, соқоллари қалин, ўрта бўйли, ҳайбатли, кам куладиган, ўта жиддий, гарчи аччиқ бўлса ҳам ҳақни гапирувчи Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмайдиган киши эдилар. Имом Заҳабий яна айтадиларки, имомнинг соқоллари қора ва бир нечта оқлари ҳам бор эди, ҳайбатли ва хотиржам киши эдилар<sup>83</sup>.

### **Имомнинг илм йўлидаги ҳомийси**

Имом Нававий Имом Заҳабий айтганларидек оталарининг риоясида ва қарамоғида яшадилар. Имом Нававийнинг хомийси отаси эди. Уни илк бор мадрасага олиб бориб, токи олимлик даражасиги етгунига қадар унинг хизматида турган зот, унинг отаси ҳисобланади. Нававий ҳаётини ўрганган олимларнинг айтишларича, У ёшлигидан ўйинқароқ бўлмаган бўлиб, балки қатиятли, зийрак ва ўта кучли хотира эгаси ҳисобланган.

### **Имомнинг таомланиш ва кийинишлари**

Имом Нававийнинг шогирдларидан бири ҳикоя қилади, мен шайхнинг еб-ичишда, кийинишда жуда эътиборсизликлари сабабли у кишига: “Бирон бир касаллик сизни қасд қилган нарсангизга эришмоқлигингиздан тўсиб қолишидан кўрқаман”, деб айтдим. Шунда менга шундай жавоб қилди: “Фалончи рўза тутибди ва Аллоҳга ибодат қилибди, ҳаттоки суяклари кўкарибди”. Шундан кейин мен билдимки, устоз бизнинг бу дунёйимизга ҳожатлари йўқ ва биздаги нарсаларга эътибор бермас эканлар. Имом бир кеча кундузда бир марта хуфтондан кейин озгина егулик еб олар, бир кеча кундузда бир марта саҳар пайтида сув ичар ва умуман совуқ сув ичмас эдилар.

Имом Нававий ҳеч кимдан ҳеч нарса олмас эдилар. Фақатгина диндорлиги ҳақида аниқ билган кишилардангина бирон нарса қабул қилишлари мумкин эди. Лекин шунда ҳам ўзларини қўл остида ўқиётган бўлса олмас эдилар.

Имом Нававий еб ичиш ва кийинишда озгина нарса билан кифояланар эдилар. У киши ота-оналари юборадиган озгина таом билан кифояланар эдилар.

<sup>81</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.71.

<sup>82</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.78.

<sup>83</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.148.



Чунки овқат тайёрлаб ейишга вақт сарфлашни хоҳламас эдилар. Кийимлари ямоқли эди<sup>84</sup>.

### **Имомнинг турар жойлари**

Турар жойлари талабаларга мўлжалланган мадрасада бўлиб, шунчалик тор эдики, агар бирон меҳмон у кишининг зиёратларига борса китобларни бир бирининг устига қўйиб, жой бўшатар эдилар<sup>85</sup>.

### **Имомнинг уланмаганликлари**

Имом Нававийнинг бирон бир аёлга уйланмадилар ҳам ва биронта чўри ҳам тутмаганлар. Бунинг ҳам сабаби илм олиш, тақво ва ибодатдан бошқа нарсага ақли ва қалби билан ҳам эътибор қаратмаганлигидир. Илм олиб юрган даврида ҳам илм бераётган даврда ҳам жуда қисқа ухлардилар. Уйқулари жисм, ақл ва ҳис қилувчи аъзоларни дам олдиришдан иборат бўларди. Бордию уйқулари келиб қолса, ўтирган ҳолатда деворга суяниб ухлар эдилар<sup>86</sup>.

### **Имомнинг таълимдаги йўли**

Имом Нававий кечаси ҳам, кундузи ҳам ҳар бир вақтларини фақатгина илм учун сарфлар эдилар. Ҳаттоки йўлда юрган вақтларида ҳам ўқиганларини такрор қилар ёки янгисини ўқир эдилар. Қарийб 6 йил шу зайлда давом этганлар, шундан сўнг китоб ёзиш, илм бериш, мўмин-мусулмонлар ва ҳокимларга насиҳат қилиш билан машғул бўлдилар. Шу билан бирга ўз нафсларига қарши турар, уламоларга хилоф қилмасликка тиришар, қалб амалларига ва уни ёмонликлардан поклашликка кўп эътибор берар ҳамда нафсларини қадамма-қадам ҳисоб-китоб қилар эдилар. Ўзлари эгаллаган илмни ва унинг қисмларини дақиқ жойларигача билар эдилар. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларининг ҳофизи ва унинг иллатлари-ю фикҳини яхши билар эдилар. Имомнинг бутун ҳаётлари насиҳат қилиш, илм талаб қилиш, таълим бериш, китоб ёзиш ва ибодат қилишдан иборат эди.

### **Имомнинг мазҳаблари**

Имом Нававий Шофеъий мазҳабини тутганлар. Ақидада эса Ёфеъий ва Тожус Субкий Ашаърий бўлган дея сароҳатан айтганлар. Мазҳабнинг усул ва фуруъ қоидаларини билар, саҳоба ва тобеиънлар йўлини тутган уламоларнинг ихтилофи-ю ижмоъларини эгаллаган олим эдилар. Агар солиҳ кишиларни эсласалар, уларни ҳурмат ва эҳтиром билан даража ва кароматларини айтиб ўтардилар<sup>87</sup>.

### **Имомнинг баракалари**

Валуйиддин Абул Ҳасан айтадилар: “Мен оёғимга етган дард сабабли бемор бўлиб ётган эдим, шайх Имом Нававий мени кўргани келдилар. Ёнимга келиб ўтиргач, менга сабр қилиш ҳақида гапира бошладилар. Ҳар гапирганларида

<sup>84</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.149.

<sup>85</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.156.

<sup>86</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.151.

<sup>87</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.64.





оғриқ аста-секин кетар эди, ҳаттоки ҳамма дард кетиб, ҳеч нарса қолмади. Ваҳоланки мен кечаси билан оғриқ сабабидан ухлаёлмаган эдим. Шундан кейин билдимки, оғриқни кетиши шайхнинг баракалари сабабидан экан”<sup>88</sup>.

### **Уламоларнинг Имом Нававий ҳақида айтган гаплари**

- Ибни Касир “Тобоқот аш-Шофеъия” номли китобида Имом Нававий ҳақида қуйдагиларни айтган: У имомлар шайхи, аллома, хофиз, фақиҳ, зоҳид, ҳаётда тежамкор, ўта сабрли, биз хали унақасини кўрмаган даражада тақводордир<sup>89</sup>.

- Шамсиддин ибн Фаҳр ал-Ҳанбалий У ҳақида қуйдагича айтган: У имом, пешқадам, хофиз, мутқин (ишончли), кўп сонли асарлар соҳиби, ниҳоятда тақводор айниқса таом борасидаги тақвоси бошқаларда кузатилмагандир.

- Шайх Қутбиддин Юнайний<sup>90</sup> У ҳақда қуйдагиларни айтади: У ўз замонасининг илмда ҳам, тақвода ҳам ҳатто оддий муомала масалаларида ҳам яғонасидир.

- Тарихчи Соримуддин Иброҳим Дикмақ ал-Ҳанафий ўзининг “Нузҳатул аном” номли китобида У ҳақда қуйдагиларни айтган: У Шайх, фарийдул аср (замонасининг яғонаси), вақт қадрига етишда тенги йўқ, вақти баракали мақсади гўзал ва холис инсондир<sup>91</sup>.

- Имом Суютий У ҳақда қуйдагиларни айтган: Имом Нававий фақиҳ, хофизлар хофизи, шайхул ислом ва авлиёлар сардоридир.

- Имом Заҳабий “Тарийхул ислом” да У ҳақда қуйдагича айтган: У шайхул ислом ва умматнинг муфтийсидир.

- Тожус Субкий ўзининг “Тобақот ал-Кубро” ва “Тобақот ал-Вусто” номли китобларида У ҳақда қуйдагиларни айтган: У қутбиддин, соҳиби каромат, бутун умрини аҳли сунна вал- жамоа йўлида ўтказган зотдир<sup>92</sup>.

- Шайх Қутбиддин Мусо ал-Ҳанбалий у кишини сифатлаб айтадилар: “У киши муҳаддис, зоҳид, обид, тақводор, илм соҳиби, кўпгина китоблар эгаси, ўта тавозели, ейиш ва кийинишда оддий ва содда бўлишлари билан бирга тақвода, ибодатда, дунёдан юз ўгиришда ўз замонасининг яғонаси эдилар”.

- Субкий Имомнинг тақволарини сифатлаб шундай деганлар: “Тобеъинлардан кейин бирон киши Нававий ўзида жамлаган нарсаларни жамлаган эмас”.

- Имом Заҳабий “Тазкиротул ҳуффоз” асарида Имом Нававий ҳақларида қуйдаги гапни келтиради: “У имом, хофиз, пешқадам, шайхул-Ислом, авлиё Муҳиддин Абу Закариё Яҳё ибн Шароф ибн Муррий ал-Ҳузомий ал-Ҳувроний аш-Шофеъий жуда улуғ китоблар соҳибидир”<sup>93</sup>.

<sup>88</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.96.

<sup>89</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.139.

<sup>90</sup> Мусо ибн Муҳаммад Юнайний Баълабаккий Қутбиддин Абул Фатҳ тарихчи олимдир. Ҳижрий 726-йили Дамашқда вафот этган.

<sup>91</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.140.

<sup>92</sup> Абдулғани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.140-141.

<sup>93</sup> Абдулфаттоҳ Абу Гудда. Қийматуз замон индал уламо. –Риёз: Матбуот ал-Исломийя, 1988. –Б.71.



### **Имомнинг кароматлари**

Агар Имом Нававий ҳақида ёзилган китобларга назар ташланилса албатта олимнинг кароматлари ҳақидаги бир бобни кўриш мумкин. Ана шундай кароматлардан бири қуйдагича келтирилган:

Дамашқ подшоҳи Зоҳир Бибрис бир фатвога имзо чекиш учун Имом Нававийни ҳузурига чақиртирди. У зот бошларига кичиккина салла ўраб бордилар. Саллаларига қараб менсимасдан: “Эй шайх! Бу фатвога имзо чек”, деди. Аммо имом бош тортдилар. Подшоҳ ғазаб билан: “Нима учун”, деб сўради. Шунда у зот: “Бу фатвода оғирлик келтирувчи зулм бор”, дедилар. Подшоҳ янада ғазабланиб: “Уни ҳамма вазифаларидан бўшатишлар”, деб амр қилди. Аъёнлар эса “Унда ҳеч қанақа вазифа йўқ”, деб жавоб беришди. Сўнг подшоҳ қатл қилмоқчи бўлди. Лекин Аллоҳ унга ниятини амалга оширишга журъат бермади. Шунда аъёнлар: “Нега ўлдирмадингиз, бунақа вазият бошқа бўлмайди?” дейишганида, подшоҳ: “Аллоҳга қасамки унинг вазоҳати мени кўрқитиб юборди”, деб жавоб берди. Бу иш Аллоҳнинг фазлидир. Уни солиҳ бандаларидан хоҳлаганига беради<sup>94</sup>.

### **Имомнинг вафотлари**

Имом Нававий роҳматуллоҳи алайҳ 1277 йилда она шаҳрига қайтиб келади, вафот этган устозларининг қабрини зиёрат қилади, ҳаёт бўлган дўстлари билан учрашади. Отасини зиёрат қилгандан сўнг Байтул Мақдисга боради ва у ерда Иброҳим алайҳиссаломнинг қабрини ҳам зиёрат қилиб қайтади.<sup>95</sup> Умрини илм олиш, таълим бериш, китоб ёзишга бағишлаган буюк олим милодий 1277 йилнинг декабр ойида, 676 ҳижрий сананинг 24 ражабида чоршанба куни кечаси 44 ёшида она шаҳри Навода беморлик сабабли вафот этиб, Наво шаҳрига дафн этилади.<sup>96</sup> Тожус Субкий айтадилар: Имом Нававийнинг вафотларидан бутун Дамашқ аҳли қайғуга ботди<sup>97</sup>.

У киши ҳаётлик чоғларида қабрлари суннатга мувофиқ бўлишини, яъни унда Аллоҳга фақирлик аломати ва зухда аломати билиниб туришини хоҳладилар, лекин ўлим у кишига буни васият қилишга имкон бермади. У кишининг қавми эса у зотнинг шаънини кўтаришни хоҳлади. Кўпгина жоҳил ва илмсиз кишилар инсоннинг шаънини кўтариш, унинг қабрини кўркам, тош (кафел)лар билан зийнатлаш, уни девор билан ўраш, унга баланд-баланд мармарлар билан бўлади, деб ўйлайдилар, лекин буларнинг барчаси шарият томонидан ман қилингандир. Вафотларидан сўнгра Наво аҳли у кишининг қабрларини чиройли тарзда бино қилдилар ва кейинчалик у кишининг номидаги чиройли жомеъ масжид ҳамда каттагина, кўркам мажмуа бино

<sup>94</sup> <https://islom.uz/maqola/4371>

<sup>95</sup> Муаллифлар жамоаси. Нузхатул муттакийн шарҳу Риёзус солихийн.Ж.1.–Байрут: Муассисатур-рисала нашриёти, 1977. –Б.12.

<sup>96</sup> Имом Нававий. Риёзус Солихин. – Дамашқ: Мактабатул манор нашриёти, 1989. –Б.9.

<sup>97</sup> Абдулгани Дақар. Имом Нававий. –Байрут: Дорул қалам нашриёти, 1994. –Б.147.



қилдилар<sup>98</sup>. Лекин минг таассуфлар бўлсинки, 2012-2015-йиллар орасида, Сурияда мудҳиш воқеалар юз бера бошлади. Турли фирқалар ва оқимлар чиқиб, у ерда уруш оловини ёқишди. Уларнинг қилмишлари натижасида Имом Нававийнинг қабрлари, мажмуалари хароб ҳолатга келди<sup>99</sup>. Сурияда машхур Ислом олими имоми Нававий мақбараси портлатиб юборилди. Унинг мақбараси XIII асрдан бери турган эди. Бироқ, Сурия инсон ҳуқуқлари обсерваторияси агентлиги 2015 йил 11 январда тарқатган хабарга кўра, мақбара «Нусра жабҳаси» гуруҳи аъзолари тарафидан портлатилган<sup>100</sup>.

Бу йилнинг бошида Имом Нававийнинг мақбара деворлари янгиланиб, таъмирлаш ишлари тамомига етказилди ва зиёрат қилиш учун чиройли ҳолатга келтирилди<sup>101</sup>. Мақбара ёнида так туғи билан портлашдан омон қолан дарахт яна қайта ўсиб чиқди<sup>102</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, имом Нававий ёшлигидан умрларининг охиригача илм йўлида ҳаёт кечириб ўтганлар. Имомнинг илм йўлидаги жидду жаҳдларидан, ҳаёт тарзидан барча толиби илмлар ибрат олиши лозим. Ислом умматига кўплаб илмий мерослар қолдириб кетганлар.

<sup>98</sup> 7-иловага қаранг.

<sup>99</sup> 8-иловага қаранг.

<sup>100</sup> <https://info.islom.uz/yangiliklar/item/1073-nusra-zhab-asi-imomi-navavij-ma-barasini-portlatib-yubordi.html>

<sup>101</sup> 9-иловага қаранг.

<sup>102</sup> <https://www.imamghazali.org/resources/imam-al-nawawi-biography>